

Илмнинг шарафи

14:53 / 28.04.2017 2610

“Аллоҳ адолат ила туриб, албатта, Ундан ўзга илоҳ йўқлигига шоҳидлик берди. Фаришталар ва илм эгалари ҳам. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У азиз ва ҳақим зотдир”. (Оли Имрон;18)

Имом Қуртубий роҳматуллоҳи алайҳи айтади: Ушбу оят илмнинг фазлига, уламоларнинг шарафли эканига далолат қилади. Чунки агар уламолардан кўра шарафлироқ бирор кимса бўлганида эди, Аллоҳ таоло Ўзининг исми ва фаришталарининг исмига уламоларни қўшиб келтиргани каби уларни ҳам қўшиб келтирган бўлар эди. Илмнинг шарафига Аллоҳ таолонинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: “ва: «Роббим, илмимни зиёда қилгин», дегин.” (Тоҳа;114) деган сўзи ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Албатта уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларидир” деган сўзлари кифоя қилади.

Қудратуллоҳ Сидиқметов таржимаси